

**“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан 2021 йилда
амалга оширилган ва 2022 йил давомида амалга оширилиши
режалаштирилган ишлар тўғрисида
бошқарув раиси А.З. Джураевнинг
ҲИСОБОТИ**

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (кейинги ўринларда - Жамият) томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан шаҳар жамоат транспортини ривожлантириш йўналишида кўйилган топшириқлар ижроси бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

I. Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш фаолияти

Тошкент шаҳрида жамоат транспортида йўловчилар ташиш автобус, метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксиларда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида барча мулкчилик шаклидаги ташувчилар ўртасида очик рақобатни йўлга қўйиш, рақобат муҳитини шакллантириш, йўловчи ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифат стандартларини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Шаҳарда мулкчиликнинг турли шаклларидаги **736 та** ташувчилар томонидан йўловчилар ташиш хизматлари кўрсатилмоқда.

Автобус йўналишларида хизмат кўрсатувчи **12 та** корхонадан **8 таси** давлат улуши бўлган Жамият таркибига кирувчи автобус саройлари ҳамда **4 таси** шахсий мулкчилик шаклидаги корхоналар бўлиб, улар томонидан **139 та** шаҳар автобус йўналишларида йўловчилар ташилмоқда. Бундан ташқари, шахсий мулкчилик шаклидаги **65 та** корхоналар томонидан йўналишли такси йўналишларида, **659 та** корхона томонидан йўналишсиз таксиларда ва “Тошкент метрополитени” ДУК (метрополитеннинг **4 та** йўналиши – “Чилонзор”, “Ўзбекистон”, “Юнусобод” ва ер усти халқа йўналишларнинг **43 та** бекатлари бўйича йўловчи ташувлар) томонидан шаҳар йўловчи ташиш тизимида йўловчи ташиш фаолияти амалга оширилиб келинмоқда.

2021 йил натижалари

Жамият томонидан **2021 йилда:**

- **141,6 млн. йўловчи** ташилиши таъминланиб, **2021 йил** прогноз кўрсаткичларига (**208,1 млн. йўловчи**) нисбатан **66,5 млн. йўловчи** ёки **32,0 %**га кам ташилган;

- даромадлар **225,5 млрд. сўмни** ташкил этиб, **2021 йил** прогноз кўрсаткичларига (**303,1 млрд. сўм**) нисбатан **77,6 млрд. сўм** ёки **25,6 %** кам ташкил этган;

- харажатлар **535,6 млрд. сўмни** ташкил этиб, **2021 йил** прогноз кўрсаткичларига (**536,7 млрд. сўм**) нисбатан **1,1 млрд. сўм** ёки **0,2 %** кам бўлган;

- умумий кўрилган зарар **244,7** млрд. сўмни ташкил этиб, **2021** йил прогноз кўрсаткичларига (**172,8** млрд.сўм) нисбатан **71,9** млрд. сўмга ёки **41,6%** кўп бўлган;

- бажарилган қатновлар сони **3,9** млн. қатновни ёки **2021** йилнинг режасига (**5,2** млн. қатнов) нисбатан **1,3** млн. қатнов ёки **25,2 %**га кам бажарилган.

Йўловчи ташиш ҳажми ва даромадлар бажарилмаганлигининг асосий сабаблари транспорт воситаларининг эскирганликлари, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги натижасида белгиланган режа бўйича жадвалларнинг ёпилмаганлиги, техник носозлик билан автобусларнинг таъмирда кўп вақт давомида туриб қолганлигидир. Хусусан, **2021** йил давомида юқорида келтирилган сабабларга кўра режага нисбатан **17,3 %** кам автобуслар йўналишларга чиқарилиб, қатнов ҳам режага нисбатан **25,2 %**га кам бажарилган.

Мазкур давр мобайнида харажатларнинг ошишига асосий сабаблардан бири – дизель ёқилғиси нархининг **2021** йил январь ойида (**1 тонна=11 547,6** минг сўм) **2020** йил декабрь ойига (**1 тонна=6 429,7** минг сўм) нисбатан **79,6 %**га кескин ошганлиги.

Жамият тизимидаги корхоналар тасарруфида **2021** йил **31** декабрь ҳолатига **131** та йўналишларга кунига ўртача **998** та ҳаракат таркиблари чиқарилган.

2021 йил **31** декабрь ҳолатига Жамият тизимидаги автобус саройлари филиалларида **1 168** дона автобуслар мавжуд бўлиб, улардан **416** донаси “Mercedes-Benz Low Floor”, **131** донаси “MAN A22 CNG”, **102** донаси “SAZ LE 60” ва **519** донаси “ISUZU” русумли автобуслар. Автобусларнинг ўртача тасарруф этиш муддати **7,5** йилни ташкил этиб, **10** йилдан ортиқ тасарруф этилиб келинаётганлари сони **350** тани ташкил этмоқда (**216** дона “Mercedes-Benz Low Floor” ва **134** дона “ISUZU”). Таъмирлаш иқтисодий самарасиз ва тасарруф этиш муддати **15** йил бўлган транспорт воситалари сони **136** тани ташкил этади.

Тошкент шаҳри жамоат транспорти тизimini такомиллаштириш йўналишида **2021** йил давомида **83** та автобус йўналишлари мақбуллаштирилди. Хусусан, **8** та йўналишлар ёпилди, **10** та йўналишлар ҳаракати қисқартирилди, **17** та йўналишлар ҳаракатига ўзгартириш киритилди, **15** та йўналишлар ҳаракати узайтирилди, **4** та янги йўналишлар очилди, **7** та йўналишлардаги ҳаракат таркиби русумига ўзгартиришлар киритилди, **4** та йўналишлар нолик йўл юриш масофаларини камайтириш мақсадида бошқа автобус саройларига бириктирилди, **5** та йўналишлардаги жадваллар сони кўпайтирилди, **86** та йўналишлардаги жадваллар сони камайтирилди, **3** та йўналишлардаги якшанба кунлари учун жадваллар сони кўпайтирилди, **76** та йўналишдаги якшанба кунлари учун жадваллар сони камайтирилди, **35** та йўналишларнинг иш тартиби қайта кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофи худудларидан пойтахтга кириб келувчи йўловчиларга, **42 та** шаҳар автобус ва **27 та** йўналишли такси ҳамда бир қатор шаҳар атрофи йўналишларини боғловчи **7 та** транспорт-ўтказгич боғламалари (автошоҳбекат ва охириги тўхташ бекатлари) орқали хизмат кўрсатилмоқда.

Хусусан,

“ТТЗ” АШБ орқали – **7 та** шаҳар автобус ва **5 та** йўналишли такси йўналишлари;

“Қўйлиқ деҳқон бозори” АШБ орқали – **23 та** автобус ва йўналишли такси йўналишлари;

“Шифокорлар шаҳарчаси” АШБ орқали – **3 та** автобус йўналишлари;

“Изза мавзеси” АШБ орқали – **8 та** автобус йўналишлари;

“Чилонзор буюм бозори” – **8 та** автобус ва **9 та** йўналишли такси йўналишлари;

“Қипчоқ” АШБ орқали – **3 та** автобус йўналишлари;

“Чоштепа” АШБ орқали – **3 та** автобус йўналишлари.

2022 йил I-ярим йиллиги натижалари

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти томонидан кунлик ўртача **1050-1090 минг йўловчи** ташилмоқда. Шундан, **139 та** автобус йўналишларида **450 минг йўловчи**, **65 та** йўналишли такси йўналишларида **778 та** жадвал асосида **140 минг йўловчи** ҳамда метрополитенинг **4 та** Чилонзор, Ўзбекистон, Юнусобод ва Ер усти халқа йўналишларида **500 мингга** яқин **йўловчилар** ташилмоқда.

Хусусан, Жамият тизимидаги корхоналар тасарруфида **2022 йил 30 июнь** ҳолатига **132 та** йўналишларга кунига ўртача **983 та** автобуслар чиқарилмоқда.

2022 йил 30 июнь ҳолатига Жамият тизимидаги автобус саройлари филиалларида **1 246 дона** автобуслар мавжуд бўлиб, улардан **416 донаси** “Mercedes-Benz Low Floor”, **131 донаси** “MAN A22 CNG”, **162 донаси** “SAZ LE 60”, **517 донаси** “ISUZU” ва **20 донаси** “YUTONG-электробус” русумли автобуслар. Автобусларнинг ўртача тасарруф этиш муддати **7,5 йилни** ташкил этиб, **10 йилдан** ортиқ тасарруф этилиб келинаётганлари сони **348 тани** ташкил этмоқда (**216 дона** “Mercedes-Benz Low Floor” ва **132 дона** “ISUZU”).

Жамият томонидан **2022 йил 5 оyi** (январь-май) давомида:

- **57,9 млн. йўловчи** ташилиши таъминланиб, **2022 йил 5 ойлик** прогноз кўрсаткичларига (**68,2 млн. йўловчи**) нисбатан **10,3 млн. йўловчи** ёки **15,1 %** га кам ташилган;

- даромадлар **91,3 млрд. сўмни** ташкил этиб, **2022 йил 5 ойлик** прогноз кўрсаткичларига (**102,8 млрд. сўм**) нисбатан **11,6 млрд. сўм** ёки **11,2 %** кам ташкил этган;

- харажатлар **199,7 млрд. сўмни** ташкил этиб, **2022 йил 5 ойлик** прогноз кўрсаткичларига (**212,7 млрд. сўм**) нисбатан **12,9 млрд. сўм** ёки **6,1 %** кам бўлган;

- умумий кўрилган зарар **108,5 млрд. сўми** ташкил этиб, **2022 йил 5 ойлик** прогноз кўрсаткичларига (**109,9 млрд.сўм**) нисбатан **1,4 млрд. сўмга** ёки **1,3%** кам бўлган;

- бажарилган қатновлар сони **1,5 млн. қатновни** ёки **2022 йил 5 ойлик** режасига (**1,9 млн. қатнов**) нисбатан **0,4 млн. қатнов** ёки **21,1 %**га кам бажарилган.

Йўловчи ташиш ҳажми ва даромадлар бажарилмаганлигининг асосий сабаблари транспорт воситаларининг эскирганликлари, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги натижасида белгиланган режа бўйича жадвалларнинг ёпилмаганлиги, техник носозлик билан автобусларнинг таъмирда кўп вақт давомида туриб қолганлигидир. Хусусан, **2022 йил 5 ойи** давомида юқорида келтирилган сабабларга кўра режага нисбатан **16,5 %** кам автобуслар йўналишларга чиқарилиб, қатнов ҳам режага нисбатан **21,1 %**га кам бажарилган.

II. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖни трансформация қилиш натижалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги **2020 йил 27 октябр**даги **ПФ-6096-сон** Фармони билан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖни трансформация қилиш йўналишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилган.

Корпоратив бошқарув

Жамиятни трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси **2020 йил 30 декабр**даги йиғилишининг **1-сон** баёни (**№ 02-02/1-2357; 31.12.2020 й.**) билан тасдиқланган.

Жамият тизимидаги маъсулияти чекланган жамият шаклидаги **8 та** автобус саройлари Жамият Ягона акциядорининг (Молия вазирлиги) **2021 йил 11 октябр**даги қарори билан юридик мақомисиз, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ филиалларига айлантирилди ва Давлат хизматлари марказидан **2021 йил 18 ноябр**да Давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шунингдек, Ягона акциядорнинг (Молия вазирлигининг) **2022 йил 10 март**даги тегишли қарори билан Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси ва устави тасдиқланди.

Жамият тизимидаги корхоналардаги ишчи ходимлар сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 6 128 нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 май ҳолатига 4 341 нафарни ташкил этган, яъни мақбуллаштирилган иш жойлари 1 787 та ёки 29,2 фоиз, йиллик иқтисодий самара 35,4 млрд. сўми ташкил этади.

IFRS - Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда — МХХС), молиявий аудит (Big four), давлат харидлари ҳамда комплаенс назорат тизими

Жамиятнинг **2019-2020 йиллар** учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (**MXXC-IFRS**) асосида тайёрлаш мақсадида Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда танлов асосида маҳаллий аудиторлик компанияси **“Prom audit” МЧЖ** билан шартнома имзоланди. “Prom audit” МЧЖ томонидан **2021 йил август ойи**да молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (**IFRS**) асосида консалидациялашган (бирлаштирилган) **ҳисобот тақдим этилди**.

Шунингдек, Жамият томонидан халқаро кредит рейтингини олиш графиги ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланди (**№ 01-02/1-2357; 09.04.2021 й.**). График режасига асосан Жамиятнинг халқаро кредит рейтингини олиш муддати **2023 йил II чораги** деб белгиланган.

Жамиятнинг **2021 йил 27 апрелдаги 72-сон** буйруғи билан коррупцияга қарши комплаенс (комплаенс назорат) хизмати фаолияти йўлга қўйилиб, замонавий комплаенс-назорат тизими жорий этилган.

Жамият бошқарув органларига хорижий экспертларни жалб қилиш бўйича **2021 йил февраль ойи**да танлов ўтказилиб, Жамият Кузатув кенгашига **4 та** номзоддан ва бошқарувига **2 та** номзоддан келиб тушган таклифлар **2021 йил 15 март**да Жамият Ягона акциядорига (Молия вазирлиги) киритилган. Жамият Ягона акциядорининг Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссия янгиланган таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги **2021 йил 26 август**даги қарори билан Жамият Кузатув кенгашига **1 та** мустақил номзод киритилган.

Жамиятнинг **2021 йил** учун бюджет лойиҳасини ўз ичига олган **2021 йил**га мўлжалланган бизнес-режаси ишлаб чиқилиб, Жамият Ягона акциядорининг **2021 йил 30 июн**даги қарори билан тасдиқланган.

Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 2 феврал**даги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-111-сон** қарори билан Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини **2025 йил**гача ривожлантириш Концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Шу билан бирга, бугунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йил 27 октябр**даги **ПФ-6096-сон** Фармони билан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖни трансформация қилиш бўйича белгиланган айрим топшириқлар ижроси ўз вақтида таъминланмаган. Хусусан,

Катта тўртлик (“**big four**”) ташкилотларини жалб этган ҳолда Жамиятда молиявий аудит ўтказиш топширилган. Ушбу топшириқнинг ижроси бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилган:

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ фаолиятини катта тўртлик (“**big four**”) томонидан молиявий аудитдан ўтказиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган. Катта тўртлик (“**big four**”) рўйхатига кирувчи “**Deloitte**”, “**PwC**”, “**EY**” ва “**KPMG**” аудиторлик компанияларининг таклифлари олинган. Нуфузли халқаро аудиторлик компанияларидан (**KPMG** ва **Deloitte**) келиб тушган таклифларда аудиторлик

хизматлари учун **300 минг доллардан 450 минг долларгача** пул маблағлари сўралиб (**“KPMG” - 300 000 долл.**; **“Deloitte” - 450 000 долл.**; **“PwC” - аудит ўтказмаслик**), “Тошшахартрансхизмат” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолияти зарар билан яқунланиши ва айланма маблағлар етишмовчилиги сабабли ушбу хизматларни молиялаштириш имконияти мавжуд бўлмаган.

Жамият томонидан молиявий аудит ўтказиш бўйича молиялаштириш манбаи аниқламаганлиги сабабли, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида тайёрланган ҳисоботларнинг аудитини **2022 йилда нуфузли маҳаллий аудиторлик компаниялари** томонидан ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, харидлар тизимини аудитдан ўтказиш борасида Жамиятнинг корпоратив харидлари аудити **2021 йилда “Expert Audit” МЧЖ** томонидан ўтказилиб, аудит ижобий хулосаси **2021 йил 6 августда** Молия вазирлигига киритилган.

Аудит хулосаси: “Тошшахартрансхизмат” АЖ томонидан 2020 йилда Тошкент шаҳар аҳолисига сифатли транспорт хизмат кўрсатиши эҳтиёжларидан келиб чиқиб, танлов ва тендерларнинг электрон порталидан сотиб олган маҳсулотларнинг нархлари танлов ва тендернинг электрон порталидаги белгиланган нархлар билан қиёсланганда танлов ва тендерларнинг электрон порталидаги рўйхатдан ўтган маҳсулотлар нархлари даражасида мақсадга мувофиқ нархларда харид қилинган, шу давр мобайнида импорт маҳсулотлар харид қилинмаган ва валюта ресурсларидан фойдаланилмаган.

Операцион самарадорликни ошириш

Жамият томонидан нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини жалб қилган ҳолда ҳар бир корхона учун молиявий тикланиш, операцион самарадорликни ошириш, шунингдек, **ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш** бўйича техник топшириқ Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан **2021 йил 11 мартда** тасдиқланган.

Жамиятнинг харид комиссияси томонидан **2021 йил 19 апрелда KPMG (165 000\$)** ва **RB ASIA (120 000\$)** таклифлари асосида танлов ҳужжатлари тасдиқланиб, уларни молиялаштириш манбалари аниқланмагани сабабли, Жамиятнинг стратегиясини ишлаб чиқиш Осиё тараққиёт банки (**ОТБ**) ҳамда Жаҳон банки грант лойиҳалари доирасида амалга оширилиши белгиланди.

Ўз навбатида, Осиё тараққиёт банки (**ОТБ**) грант лойиҳаси доирасида **AARC** компанияси (**Ирландия**) томонидан нуфузли халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда **2021 йилнинг июль-декабрь ойларида** Жамиятнинг диагностика жараёни ўтказилди.

Шунингдек, Жамият **ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини** ишлаб чиқиш мақсадида, Жаҳон банкининг **Европа ва Марказий Осиё лойиҳа координаторлари билан тегишли музокаралар ўтказилди** ва Жамиятни трансформация этиш жараёнида иштирок этиш борасида тегишли таклифлар берилди. Ўз навбатида, Жаҳон банки лойиҳа координаторлари томонидан Жанубий **Кореянинг Сеул шаҳри мисолида**

Тошкент шаҳар транспорти барқарорлигини яхшилаш бўйича Жамиятни диагностикасини амалга ошириш мақсадлари белгилаб олинди.

Шу билан бирга, жорий йил январь ойида Молия вазирлигининг биринчи ўринбосари О.Насритдинходжаев иштирокида **Осиё тараққиёт банки (ОТБ)** грант лойиҳаси доирасида **AARC** компанияси (**Ирландия**) томонидан ўтказилган диагностика ҳисоботининг тақдими ўтказилди ва қуйидагилар **таклиф этилди:**

- **молиялаштириш манбаларини** диверсификациялаш ва самарадорликни ошириш;
- жараёнларни марказлаштириш, **8 та** автобус саройларини юридик мақомига эга бўлмаган **филиалларга айлантириш;**
- марказлаштирилган ҳисоб тизимини **халқаро стандартлар** асосида жорий этиш;
- рақамли технологияларни кенг жорий этиш. Бу борада **Кореянинг Сеул шаҳрининг тажрибасини тадбиқ этиш;**
- ташувчини **бажарилган иш ҳажмидан** келиб чиққан ҳолда **молиялаштириш** (босиб ўтилган масофа);
- йўл ҳақи тарифларини **қайта кўриб чиқиш** (бугунги кунда мавжуд тариф даражаси пастлиги);
- **ўрта ва узок муддатларга мўлжалланган** Тошкент шаҳрининг транспорт стратегиясини ишлаб чиқиш;
- бошқарув ваколатини марказий ҳукуматдан **маҳаллий ҳокимиятга ўтказиш.**

Тақдимот натижаларига кўра, Осиё тараққиёт банки, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирокида муҳокама қилиниб, манзилли **чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш белгиланиб олинди.**

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва **Жаҳон Банклари (ЖБ)** томонидан тақдим этилган таҳлил ва таклифлари асосида Жамиятни молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш бўйича **3 йиллик** бизнес-режасини ишлаб чиқиш **2022 йилнинг II-чорагида** амалга ошириш ҳамда Жамият бошқарув органлари томонидан тасдиқланиши белгиланиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2022 йил 24 март**даги **55-сон** йиғилиш баёни билан Жамиятга юклатилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Жамият молиявий аҳволдан келиб чиқилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан **2022 йил 1 апрел**да “**2022 йил** давомида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг иқтисодий бошқарувини такомиллаштириш ва трансформация қилиш бўйича тармоқ жадвали” тасдиқланган.

Маълумот учун: “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ асосий фаолияти Тошкент шаҳар жамоат транспортида чекланган тарифлар асосида йўловчи ташиш хизматларини кўрсатишдан иборат бўлиб, бунда Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича кўрилган зарар суммаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги “Умумий

фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 273-сон қарорига мувофиқ давлат бюджети ҳисобидан қопланиб келинмоқда. Жамиятнинг 2021 йилдаги 251,4 млрд.сўм кўрилган зарарлари давлат бюджети томонидан қоплаб берилган).

Тармоқ жадвалида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг **2019-2021 йиллар** молиявий ҳисоботларининг, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (**IFRS**) асосида, аудитини ўтказишни нуфузли **маҳаллий аудиторлик** ҳамда молиявий тикланиш ва операцион самарадорлигини ошириш режасини ишлаб чиқиш ишларини нуфузли **маҳаллий консалтинг компанияларини** жалб қилган ҳолда амалга ошириш белгиланган.

III. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ фаолиятига рақамлаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш тадбирлари натижалари

Жамият томонидан **IT-сертификатга** эга ходимлар улушини ошириш мақсадида, ахборот технологияларига ихтисослаштирилган таркибий бўлинма **12 нафар** ходимларининг **IT-park** “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ томонидан ташкил этилган малака ошириш курсларида малакаси оширилди.

Жамиятнинг **Автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва мониторинг** қилиш ахборот тизими ишлаб чиқилиб, мазкур тизим орқали ҳар бир автобус оралиқ интервали ҳақидаги маълумотларни **вазиятлар марказига (ситуацион центр)** онлайн етказиб бериш (**Dashboard**) ва уларни қатновлар мунтазамлиги таъминланишини назорат қилиш, онлайн режимда автобуслар ҳаракатини кузатиб бориш, автобусларни бекатларда узок туриб қолиши, тезлик меъёрини ҳамда кунлик босиб ўтган масофасини кузатиш ва **назорат қилиш функциялари яратилди.**

Йўловчилар учун шаҳар жамоат транспортда автобусларни реал вақтда кузатиш, уларни сафар вақтлари ҳақидаги маълумотларни олиш, манзилга элитувчи энг тезкор ва мақбул йўналишларни танлаш имкониятларини яратиш мақсадида **“Тошкент транспорти”, “Яндекс Транспорт” (Россия)** ва **2GIS (Украина)** мобиль иловалари фойдаланишга топширилди.

Жамиятнинг **Автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва мониторинг** ахборот тизимидаги объектлар номлари **ID-код** орқали рақамлаштирилиб ҳамда тизимдаги барча объектларнинг электрон **ID-реестри** юритилиб, объектлар жойлашган географик локацияни (**Geocode**) **ID-кодга** боғлаган ҳолда ҳар бир объектнинг номи ва жойлашувини **QR-код** орқали тезкор аниқлаш тизими йўлга қўйилди.

Жамиятда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, бошқарув тизимини автоматлаштириш ва **ERP** (корхона ресурсларини режалаштириш) тизимини жорий этиш мақсадида **IT-park** резиденти маҳаллий **“Tafakkur” МЧЖ** томонидан **ERP** тизимини **1С-8.3** платформасини босқичма-босқич

жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда ва **2022 йил** давомида босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Жамиятда **ERP** тизимининг жорий этилиши натижасида молиявий-хўжалик фаолиятининг максимал самарадорлигига эришилиши, ишлаб чиқариш ва бошқарув самарадорлигининг **20 - 25 фоизга** оширилиши, маъмурий ва операцион харажатларнинг ўртача **12 - 14 фоизга** камайтирилиши ва умумий зарар миқдорининг ўртача **10 фоизга** қисқартирилиши, молиявий ҳисобот ва маълумотларни шакллантириш вақтининг **3 баробарга** қисқартирилиши режалаштирилган.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-111-сон қарори ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 2 февралдаги** “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-111-сонли** қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантиришда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Йўналишларни мақбуллаштириш

2022 йилда режа-жадвал асосида **26 та** янги автобус йўналишларини фойдаланишга топшириш юзасидан янги йўналишлар ҳужжатлари (*паспорти, йўналиш чизмалари, ҳаракат жадваллари*) ишлаб чиқилди. Шу жумладан, "Бирлик мавзеси - Тошкент вокзали" оралиғида ҳаракатланувчи магистрал автобус йўналишининг ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва **2022 йил июнь** ойдан **“Бирлик мавзеси - РЭТ заводи”** оралиғида ҳаракатланувчи **46-сон** йўналиш магистрал йўналиш мақомида тасарруф этилмоқда. Бунда, йўналишдаги ҳаракат жадвалларининг сони **8 тадан 14 тага** оширилиб, автобусларнинг ҳаракатланишдаги оралиқ вақти (интервал) **15 дақиқадан 8-9 дақиқаларга** қисқартирилди.

2022 йил 30 июнь ҳолатига кўра, **29 та** автобус йўналишлари фаолиятини мувофиқлаштирилди. Хусуан, **1 та** магистраль йўналиши ҳаракати ташкил этилди, **5 та** йўналишлар ҳаракатига ўзгартириш киритилди, **1 та** йўналиш ҳаракати қисқартирилди, **14 та** йўналишлардаги ҳаракат таркиби русумига ўзгартиришлар киритилди, **4 та** йўналишлар ноллик йўл юриш масофаларини камайтириш мақсадида бошқа автобус саройига бириктирилди, **11 та** йўналишларда жадваллар сони кўпайтирилди, **4 та** йўналишларда якшанба кунлари учун жадваллар сони кўпайтирилди, **1 та** йўналишда жадваллар сони камайтирилди, **1 та** йўналишда якшанба кунлари учун жадваллар сони камайтирилди, **1 та** йўналишнинг номи ўзгартирилди.

2022 йил давомида автобус йўналишлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари давом эттирилади.

Жамоат транспорти ҳаракат таркибини замонавий, экологик тоза автобуслар, жумладан электробуслар билан янгилаш

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан Хитой Халқ Республикасининг “YUTONG BUS CO LTD” компанияси билан тузилган шартномага асосан, **20 дона** замонавий электробуслар харид қилинди ва **81-сонли** “Қўйлиқ 1-мавзеси АШБ – Гулобод кўчаси бекати” ва **51-сонли** “Юнусобод мавзеси 6-даҳа – Бешёғоч майдони” йўналишларида тасарруф этилмоқда.

190 дона “MAN” ва **200 дона** “SAZ LE 60” русумли автобусларни харид қилиш мақсадида “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга **2022 йил 18 март** куни умумий қиймати **741,4 млрд** сўм кредит маблағлари ажратилди (*190 дона “MAN” 551,3 млрд. сўм ва 200 дона “SAZ LE 60” русумли 190,1 млрд. сўм*).

Ҳозирги кунда “Самарқанд автомобил заводи” МЧЖ ҚҚ томонидан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга **60 дона** пастполли “SAZ LE 60” русумли шаҳар автобуслари етказиб берилди ва Тошкент шаҳридаги шаҳар автобус йўналишларида тасарруф этилмоқда.

2022 йилнинг 9 ой якуни бўйича **211 дона** ва **йил якунига** қадар жами **390 дона** автобуслар белгиланган режа-жадвал асосида етказилиши таъминланади.

2023-2025 йилларда сотиб олиниши режалаштирилган **653 дона** электробусларни харид қилиш учун халқаро молия институтларининг грант ва кредитларини жалб этиш мақсадида Транспорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби халқаро молия институтлари билан имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Замонавий транспорт-ўтиш боғламаларини ҳамда намунавий лойиҳалар асосида автобус бекатларини ташкил этиш

2022 йилда Тошкент шаҳрида қулай ва замонавий транспорт-ўтиш боғламалари ер усти жамоат транспорти ва метрополитен йўналишлари кесишувчи, вилоятлардан келадиган транспортлар ва шаҳар маркази билан боғловчи, аҳоли зич жойлашган яшаш массивлари ва аҳоли гавжум нуқталарда қурилиши режалаштирилган **10 та** транспорт-ўтиш боғламасидан **4 таси** (*Food City, Тошкент маҳаллий аэропорти, Шимолий вокзал, Ибн Сино*) қурилиб фойдаланишга тоширилди.

Ҳозирда, яқин вақтларда фойдаланишга топширилиши кутилаётган, **2 та** (*Роҳат, Туркистон*) транспорт-ўтиш боғламаларининг қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг якунига қадар **4 та** (*Чилонзор буюм бозори, Олмазор, Пахтакор ва Чорсу*) транспорт-ўтиш боғламалари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Тошкент шаҳрида намунавий лойиҳа асосида автобус оралиқ бекатларини реконструкция қилиш

Тошкент шаҳрининг **12 та** туманларида жойлашган автобус оралиқ бекатлари ҳолати тўлиқ хатловдан ўтказилиб, хатлов натижалари асосида Қурилиш вазирлиги ва хорижий транспорт-урбанистлари билан биргаликда автобус бекатларининг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида Тошкент шаҳрида **66 дона** намунавий автобус оралиқ бекатлари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, йил якунига қадар қурилиши лозим бўлган **214 дона** автобус оралиқ бекатлари учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан **8,4 млрд. сўм** маблағлари ажратилиши режаллаштирилган.

Жамоат транспортида реклама жойларини ижарага бериш

2022 йил март ойдан бошлаб “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан автобусларда реклама жойларини ижарага беришни электрон онлайн-аукцион орқали амалга ошириш амалиёти жорий этилди. Бунда, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг **2021 йил** давомида рекламадан олинган даромадлари **2,7 млрд. сўм**ни ташкил этган бўлса, **2022 йил**да электрон онлайн-аукцион тизими орқали даромад **4,3 млрд. сўм**ни (*ўсиш сурати 185%*) ташкил этиши кутилмоқ.

Тошкент шаҳрининг 10 та марказий кўчаларида автомобилларнинг йўл бўйи пуллик тўхташ жойлари давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2022 йил 6 апрел**даги “Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **164-сонли** қарори қабул қилинди.

Тошкент шаҳрининг **10 та** марказий кўчасида автомобилларнинг автоматлаштирилган йўл бўйи пуллик тўхташ жойлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси йўл ҳаракати бошқармаси ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси томонидан белгилаб олинди.

Ҳозирда, автоматлаштирилган йўл бўйи пуллик тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шерикчилик битими ишлаб чиқилди ва тегишли маҳаллий идораларга келишиш учун киритилди. Бунда, битим **5 йил** муддатга тузилиши ва пуллик тўхташ жойларидан фойдаланганлик учун тушумнинг **30 фоизи** давлат шериги, **70 фоизи** хусусий шерик ўртасида тақсимланиши белгиланган.

Давлат-хусусий шериклик шартлари битимига кўра, автомобилларнинг автоматлаштирилган йўл бўйи пуллик тўхташ жойлари **2022 йил 1 ноябр**дан босқичма-босқич тажриба синов тариқасида ишга тушириш режаллаштирилган.

Тошкент шаҳрида транспорт оқимини бошқариш ва чорраҳаларни лойиҳалаш

Тошкент шаҳрида транспорт оқимини бошқариш, жамоат транспорти учун чорраҳалар ўтказувчанлик қобилиятини ошириш бўйича мониторинг-таҳлил ишларини олиб бориш, таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш мақсадида Транспорт вазирлиги қошида **20 та** штат бирлигидан (*3 та хорижий эксперт*) иборат «**Лойиҳа офиси**» ташкил этилди.

«**Лойиҳа офиси**» томонидан:

бирламчи маълумотлар базасини шакллантиришда **522 та** маҳаллалар маълумотлари қайта ишланди ва ГеоАхборотТизимига киритилди;

Тошкент шаҳри ҳудудини **779 та** транспорт районларига ажратиб чиқилди (*маълумот учун Самарқанд шаҳри ҳудуди **270 та** транспорт районуга ажратилган*);

2 287 та чорраҳалардаги светофор бошқарув объектлари, **19 740 кесим**лар рақамлаштирилиб, макромодел дастурига киритилди;

умумий узунлиги **1 549 км** бўлган **7 905 та** йўл бўлаклари, жумладан **136 км** халқа йўллар, **726 км** магистрал йўллар, **686 км** туманлар даражасидаги магистрал йўллар рақамлаштирилди ва макромодел дастурига киритилди;

макромодел учун белгилаб олинган **258 та** чорраҳа кесимлардан **86 та** чорраҳада транспорт оқимлари видеотасвирга олинди ва оқимлар таҳлил қилинди;

ўтказувчанлигини яхшилаш бўйича белгиланган **140 та** чорраҳалардан **57 та** чорраҳа бўйича концептуал ечимлар ишлаб чиқилди, ўтказувчанлик ва хизмат кўрсатиш бўйича (**LOS**) кўрсаткичлар таҳлили қилинди;

концептуал ечимлар асосида **17 та** чорраҳаларда қурилиш ишлари амалга оширилди.

Транспорт корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг янги (Pool system) тизимини жорий этиш

Тошкент шаҳрида жамоат транспортининг янги тармоғи асосида ташкил этиладиган йўналишларда ташувчиларни бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиришнинг янги тизимини (**Pool system**) **2023 йил январдан** бошлаб босқичма-босқич, “**босиб ўтилган йўл**”, “**йўловчи оқими**” ва “**сифат**” мезонларига асосан, жорий этиш режалаштирилган.

Транспорт корхоналари инфратузилмасини такомиллаштириш

2022 йил давомида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ автобус саройларида янги олиб келинадиган сиқилган табиий газда ишлайдиган автобуслар учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида газ тўлдириш инфратузилмасини яратиш, автобусларни техник таъмирлаш, ювиб-тозалаш ва санитар ишлов бериш ва дизель ёқилғисини қуйиш хизматини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматини йўлга қўйиш ишлари давом эттириш.

Тошкент метрополитенининг жозибадорлигини ошириш

Тошкент метрополитенидан аҳоли томонидан фойдаланиш даражасини йил якунига қадар **800 минг йўловчига** етказиш бўйича **Тошкент давлат транспорт университети** томонидан дастлабки илмий изланишлар ва инновацион ечимларни ишлаб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан:

- шаҳарга кириб келувчи йўловчи оқимини метрополитенга йўналтириш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар асосида **1 460 минг йўловчиларни** шаҳар атрофидан метрополитенга боғловчи **9 та** транспорт коридорлар орқали **“Shuttle bus”** автобус йўналишларини ташкил этиш бўйича йўналиш ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

*Натижада метродан аҳолининг фойдаланиш даражаси қўшимча **167 мингтага** ошиши аниқланди.*

- транспортга ўтиш вақтини қисқартириш, метрополитеннинг **7 та** бекатларига аҳолини жалб этиш мақсадида транспорт-ўтиш боғламаларини ташкил этиш дислокацияси ва кўрсаткичлари асосланди.

*Натижада метродан аҳолининг фойдаланиш кўрсаткичи қўшимча **45 мингтага** ошиши аниқланди.*

- метрополитен юкмасини мўътадил тақсимлаш мақсадида ўтказилган йўловчилар оқимининг таҳлили эрталабки тигиз вақтга **44 мингта** талаба ҳаракати тўғри келишини кўрсатди. **17 та** олий таълим муассасаларининг ўқув жадвалларини мақбуллаштириш таклифи ишлаб чиқилди.

*Натижада тигиз вақтларда қўшимча **68 мингта йўловчига** метрополитендан фойдаланиш имкони яратилади.*

- метро бекатларидан **3-4 км** узоқликдаги ҳудудда “охирги миль” транспорти сифатида велотранспортини ривожлантириш мақсадида **20 та** велошеринг станцияси ва **43 та** велотураргоҳларни ташкил этиш лойиҳа таклифи ишлаб чиқилди.

*Натижада метрополитендан фойдаланиш даражасини **13 минг йўловчига** ошириш имкони яратилади.*

- шаҳарга кириб келувчи автомобилларнинг кунлик сонини камайтириш мақсадида метрополитеннинг **6 та** бекатларида **4 800 ўринли** автотураргоҳларни ташкил этиш.

*Натижада метрополитендан фойдаланиш даражасини **21 минг йўловчига** ошириш имкони яратилади.*

V. Муаммо ва таклифлар

Биринчи – Шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналарини молиявий-иқтисодий фаолиятининг самарадорлигини ошириш, йўловчи ташишдан кўриладиган зарар миқдорини камайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ҳамда йўл кира ҳақи **2019 йил 15 августдан 1 400 сўм** миқдорида ўзгаришсиз сақланиб келинаётганлигини инобатга олган ҳолда,

Тошкент шаҳар йўловчи транспортда (*автобус ва метрополитен*) йўлқира ҳақини **2022 йилда 2 000 сўм** миқдорида белгилаш.

Иккинчи – Шаҳар йўловчилар транспортда (автобус ва метро) йўлқира ҳақи тўловларининг **55 фоизи** транспорт тўлов карталари ҳисобига амалга оширилади. Муносабати билан, мазкур тизим орқали тўлов қамровини ошириш мақсадида, жамоат транспортда йўл қира ҳақи тўловида нақд пул ва электрон тўлов ўртасида тафовут мавжуд бўлган тизимни жорий этиш (*масалан, электрон тўлов тизими орқали йўл қира ҳақини 2 000 сўм, нақд пул тўлови орқали эса 2 500 сўм этиб белгилаш*).

Учинчи – Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 2 февралдаги ПҚ-111-сонли** қарорига мувофиқ **2023-2025 йилларда** харид қилиниши белгиланган **653 дона** электробуслар ва улар учун қувватлаш ускуналари харидини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари кредитларини **2022 йил III чораги** давомида жалб этилишини таъминлаш ҳамда ушбу лойиҳани Ўзбекистон Республикасининг **2023-2025 йилларга** мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш.

Тўртинчи -2023-2025 йилларда харид қилиниши белгиланган **653 дона** электробуслар харидини молиялаштириш мақсадида жалб этиладиган халқаро молия институтлари кредитлари билан боғлиқ асосий қарзни қайтариш, фоизлар ва кредит билан боғлиқ бошқа харажатлар бўйича тўловларни, ўрнатилган тартибда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан амалга ошириш.

Бешинчи – Тошкент шаҳар жамоат транспортининг зарар билан ишлаши инобатга олинган ҳолда, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖни Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йил 27 октябрдаги** “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6096-сон** Фармони **1-иловасига** мувофиқ тасдиқланган Трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхатидан мазкур Фармоннинг **2-иловаси** билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатига киритиш.